



e-ISSN: 2319-8753 | p-ISSN: 2347-6710

IJRSET

International Journal of Innovative Research in
SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

Volume 11, Issue 3, March 2022

ISSN INTERNATIONAL
STANDARD
SERIAL
NUMBER
INDIA

Impact Factor: 7.569

 9940 572 462

 6381 907 438

 ijirset@gmail.com

 www.ijirset.com



Factors for the Development of Intellectual Ability of Future Teachers

Sultanov M.M.¹

Senior Lecturer, Tashkent State Pedagogical University named after Nizami, Tashkent. Uzbekistan ¹

Abstract: Due to the multifaceted nature of a person's psychological characteristics, various tests are used to identify each of them individually. One of the most important characteristics of a person (qualities, attributes, attributes) is his intellectual level. Intellectual tests are used in the study of intelligence, in particular, their standard and non-standard universal, special manifestations are applied in practice for the purpose of research.

Keywords: psychological competence, pedagogical tool, intellectual ability.

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШИ ОМИЛЛАРИ

Султанов М.М.

Низомий номидаги Тошкент давлат педогогика университети катта ўқитувчиси

Аннотация. Шахснинг психологик хусусиятлари серқиррали бўлганлиги муносабати билан уларнинг ҳар қайсисини алоҳида-алоҳида аниқлаш мақсадида турлича тестлардан фойдаланилади. Шахснинг энг муҳим хусусиятлари (фазилатлари, сифатлари, хислатлари) дан бири унинг интеллектуал даражасидир. Интеллектни тадқиқ қилишда интеллектуал тестлар қўлланилади, айниқса, уларнинг стандарт ва ностандарт умуминсоний, махсус кўринишлари изланиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда амалиётга татбиқ қилинади.

Калит сўзлар: психологик компетенция, педагогик восита, интеллектуал қобилият.

Инсоннинг интеллектуал даражасини ўрганишдаги дастлабки уринишлар XX асрнинг 2-ярмида чет элларда, айниқса, АҚШ, Англия, Франция каби бир қатор ривожланган мамлакатларда кенг кулоч ёза бошлади. Ушбу мамлакатларнинг бир талай олимлари турли хил масала, топширик, мисол, жумбоқ кабилар ёрдамида инсонлар устидан махсус синов ишлари ўтказиш борганлар. Уша даврдаги бундай синовлар тестлар деб аталган. Биз куйида ана шу амалий тадқиқотлар туғрисида, тестнинг тўзилиши юзасидан, қўллаш имконияти бўйича қисқача тухталиб ўтишга қарор қилдик.

Мамлакатимизда ёшларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-ҳунар эгаллаши, уларнинг саломатлигини таъминлаш, мустақил ҳаётга қадам қўйишида ёрдам бериш давлатни ёшлар сиёсатини устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб келинмоқда. Айтиш жоизки, айтиш пайтда мазкур жараёнида давлат орган ходимлари билан олий ўқув юрғларини профессор-ўқитувчилари бир қаторда фаолият юритиб ёшларда юксак ҳуқуқий маданият гоёларини ўзлаштириш бўйича уларда кўникмалар ҳосил қилиб келмоқдалар.

Ёш ўқитувчилар ўз мураббий ўқитувчилари, яъни устозлари билан биргаликда ёшларни маънавий-маърифий тарбиясини ахилликда олиб боришга муваффақ бўлишлари орқали талабаларни ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш, таълим-тарбияга оид миллий қонунчилик билан уларни таништириб бориш имкониятга ҳам эга бўлмоқдалар.

Айтиш жоизки, ёшлар сиёсати асосида баркамол ҳар томонлама етук мутахассисни тайёрлашнинг ижтимоий, психологик, маънавий-маърифий жиҳатлари, талабаларнинг ўз келажаги ва мутахассислиги учун масъуллиги, жамиятимиздаги бағрикенглик ва меҳр-мурувват муҳитининг аҳамиятига оид давра суҳбатларини

ташқил этиш ва ўтказиш, ўтиладиган маъруза (амалий) машғулотида ушбу масалаларга бир дақиқа бўлсада диққатни қаратиш муҳимдир.

Талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш чораларини янада ривожлантириш, бу борада тижорат ва хусусий корхоналарни талабалар ва профессор-ўқитувчилар билан ҳамкорликни кучайтириш мақсадида жорий йилдан бошлаб турли мулк шаклидаги корхоналарни талабаларни моддий ёрдамлашдаги, уларни ижтимоий ҳолатидан, миллатидан қатъий назар, барча талабаларни олдиндан кучли ва манзилли тарзда иш ўринлари билан таъминлаш орқали уларни ҳимоялаш муҳим муаммо бўлиб қолмоқда. Шунинг учун талабаларни тўлақонли таълим-тарбия олиши билан бирга уларни билими, қўлга киритилган илмий-амалий кўникмаларидан келиб чиқиб иш ўрни билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим.

Талабаларни келажаги, мустақил ёш оилалар фаровонлигини таъминлашнинг асоси, ёш авлод, ёш оила муҳофазасининг ҳуқуқий-меъёрий, психологик-педагогик жиҳатлари, алоҳида иқтидорли талабаларнинг ишлаб чиқаришга интеграциялашувини назарий-амалий кўникмалар асосида такомиллаштириш бўлажак ёш оилани мустақамлашнинг маънавий асоси бўлиб хизмат қилмоғи лозим.

Таъқидлаш жоизки, тижорат ва хусусий корхоналар ижтимоий ёрдамга муҳтож талабаларни ҳимоя қилиш тизимида ҳисса қўшишлари орқали талабаларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилган етакчи корхоналарга айланмоғи ҳам муҳимдир.

Тижорат ва хусусий корхоналар талабаларни сифатли таълим олишига алоҳида аҳамият беришлари лозим. Бунинг учун ушбу корхоналар доирасида талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш жамҳармасини ташқил этиш, унинг қошида меҳрибонлик уйларида тарбияланувчилари, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар фарзандларини рўйхатга олиш ва уларни ўқишга қабул қилинганда эса уларни ҳар томонлама моддий қўллаб-қувватлашни ташқил этувчи маркази очилиши мақсадга мувофиқдир. Қолавурса шундай талабаларни эришиши мумкин бўлган ютуқларида тижорат ва хусусий корхоналарнинг алоҳида эътибори қаратиши муҳимдир.

Ижтимоий интеллектни ўлчашга мўлжалланган биринчи ишончли тестни яратган Дж.Гилфорд уни умумий интеллект омилидан мустасно бўлган ва энг аввало ҳулқ-атворга оид бўлган ахборотларни тушуниши билан боғлиқ бўлган интеллектуал қобилиятлар тизими сифатида ўрганган.

80-йилларда Д.Китинг томонидан яратилган тестлар ахлоқий ёки одоб билан фикрлашни баҳолашга мўлжалланган эди. М.Форд ва М. Тисак интеллектни баҳолашнинг негизида муаммоли ҳолатларнинг тўғри ечимини топиш ётишини таъкидлайдилар. Улар ижтимоий интеллект ахборотларни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган ментал қобилиятларнинг аниқ ва мутаносиб гуруҳини ўз ичига олишини кўрсата билдилар. Бу қобилият гуруҳи эса ўз ўрнида “формал” тафаккур асосини ташқил қилувчи ва “академик” интеллект тестлари билан текширилувчи қобилиятлардан тубдан фарқ қилади.

Н.Кентор ижтимоий интеллектни одамлардаги ҳаётида бўлаётган ходисаларни аввалдан кўра билиш ва улардан унумли фойдаланиш имкониятини берадиган когнитив компетентликка тенглаштиради.

Айнан ижтимоий интеллектни ташқил этувчи ходисалар ва уларни талқин қилиш инсонларни келажакдаги ходисаларга аввалдан тайёр туришларига ёрдам беради. Амалий масалаларни ҳал қила олиш қобилияти, вербал ва ижтимоий компетентлик ижтимоий интеллектнинг таркибини ташқил этувчи асосий компонентлар ҳисобланади.

Ижтимоий интеллект тўғрисида оддий одамлар қандай тасаввурга эга эканликларини тушуниш мақсадида Р. Штернберг (1981) тадқиқот ўтказган ва натижада инсонлар умумий интеллект тушунчасига қуйидагиларни киритишларини кўрсатиб ўтган:

1. **Амалий масалаларни ҳал қилиш қобилияти.** Одам мантиқий фикр юритади, муаммонинг барча томонларини кўра билади; тўғри ечимга кела олади, зарур ахборотларнинг оригинал манбаларига мурожаат этади; барча далилларни эшитади.

2. **Вербал қобилият.** Аниқ ва раво тилда гапиради; ўқиганини яхши тушуниш, луғат бойлиги кучли ва яхши; ёзма нутқида муаммоларга дуч келмайди; одамлар билан осон ва самимий муомалага киришади ва ҳоказо.

3. **Ижтимоий компетентлик.** Бошқа одамларни қандай бўлсалар, шундайлигича қабул қилади; учрашувларга кечикмайди; тўғри хулоса ва қарорларга кела олади; бошқаларнинг хоҳиш ва эҳтиёжларини сеза билади; қизиқувчан ва ҳоказо.

Ижтимоий интеллектнинг омиллари қуйидагилардан иборат:

1. Ўзгарувчан шароитларда адекватликни ва мослашувчанликни таминлаши;
2. Тактик ва стратегик йўналишларда ўзаро муваффақиятли мутаносиблик дастурлари ва режаларини шаклланиши, жорий масалаларни ҳал қилиш;
3. Шахслараро муносабатлардаги воқеаларни режалаштириш ва уларни ривожланишини прогноз қилиш;
4. Мотивацион функция;
5. Ижтимоий рақобатбардошликни кенгайтириш(ИР);
6. Ўз-ўзини шакллантириш, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзига сабоқ бериш.

Ижтимоий интеллектнинг асосий вазифаларидан бири узоқ муддатли ўзаро муносабатларни шакллантиришдир. Ўзаро муносабатларнинг даражаси ва характерини тушунган ҳолда келажакда бир-бирига ижобий таъсир ўтказиш ва муносабатларни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Ижтимоий интеллект муайян вақт учун асаб-психик ҳолатни, ижтимоий муҳит омилларини ва ижтимоий муносабатларнинг қанчалар муваффақиятлилигини аниқлайди, шунингдек уни энергия конценерациясини талаб қилувчи, эмоционал зўриқиш, стресс ноқулайликлари, фавкулотда ҳолатларда ҳамда шахс инқирози ҳолатларида сақлаш имкониятини беради.

Ижтимоий интеллектнинг фавкулотда юз берадиган инқирозлар, узоқ чўзиладиган стресслар, ўз-ўзига бўлган ҳурматни тушуниб етиши ҳолатларида ёрдам берувчи мобилизацион функцияси жуда муҳим ҳисобланади.

Ижтимоий интеллект инсонлар ўртасидаги муносабатларда содир бўладиган ҳодисаларни прогноз қилиш ва уларга тайёр туриш имкониятини беради ҳамда психологик зўриқишларга бўлган бардошни мустаҳкамлайди.

Умумий интеллектнинг таркибидан фарқли равишда ижтимоий интеллектнинг таркибида ўз-ўзини англашнинг шахсга оид хусусиятлари ва характеристикалари катта роль ўйнайди. Бунда ўз-ўзини англаш “машаққатли”, комплекслар ва психологик ҳимоя тўсиқлари билан тўлиб-тошган бўлмаслиги керак. Шунинг учун ҳам авторитар шахсда ижтимоий интеллектнинг юқори кўрсаткичлари жуда кам учрайди. Бундай шахс одамлар билан муомалага киришганда кўзга тез ташланмайдиган қийинчиликларни бошдан кечиради, одамларни ёмон тушунади, (масалан, бошқа жинсдагиларни), улар билан чиқишиб кета олмайди, базида эса у одамлардан умуман кўрқади. Бундай кишининг ўз-ўзини англаши ривожланмаганлиги сабабли комплексларга тўла бўлади. Шахсий кизиқишлари кам бўлади ёки бўлмайди, ўзини англамаган ҳолда агрессивликка берилувчан бўлади.

Ижтимоий интеллект “инсон-инсон” соҳасидаги касбларда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, педагоглар, психологлар, психотерапевтлар, журналистлар, менежерлар, ҳуқуқшунослар, шифокорлар, сиёсатчилар, тадбиркорлар фаолиятини прогноз қила олиш имкониятини беради.

Интеллектуал тараққиётни аниқлашга оид эмпирик маълумотларни таҳлил қилиш принциплари ва уларнинг коэффицентига таъсир этувчи омиллар

Илмий диалектик таълимотга биноан психика юксак даражада ташқил топган материянинг хусусияти ёки миянинг маҳсулидир. Одатда психика ташқи дунё (олам, борлик)ни сезги органлари орқали инсоннинг миясига бевосита таъсир этиши асосида вужудга келиб, билиш жараёнларида, шахснинг хусусиятлари ва ҳолатларида, ҳис-туйғуси ва характер ҳислатлари (фазилятлари, сифатлари)да, унинг дикқати, кизиқиши ва эҳтиёжларида ўз ифодасини топади.

Инсон онгининг ривожланиши унинг ташқи оламни фаол акс эттиришда намоён бўлади. Ижтимоий фалсафа таълимотича инсоннинг моддий турмуши, у ҳаёт кечираётган тўзумнинг асосигина эмас, балки уни қуршаб олган одамларнинг турмуш тарзлари, умуминсоний кифолатлари, эътиқодлари, дунёқарашлари, маслақлари, ижтимоий муносабатга интилишлари, фаолиятлари, ижод маҳсуллари ва хатти-ҳаракатларининг мажмуасидир (усиш - ривожланиш - балоғат - етуклик - камолот - тараққиёт).

Инсоннинг борлиқни акс эттириши - фаол жараён дир. Маълумки, инсон зотининг ривожланиши объектив борлиққа (воқелиққа) ва ўзига фаол таъсир кўрсатишда содир бўлади (ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзига бўйруқ бериш) ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз-ўзини такомиллаштириш, ўз-ўзини намоён қилиш ва ҳоказо).

Инсон интеллектуал тараққиётидаги тезкорлик, қутилмаганлик ҳодисалари нафақат моддий негиз ҳоссалари орқали изоҳланади, балки идрок майдонининг пайдо бўлиши, "сунъий" тизимнинг вужудга келиши, фазовий алоқалар, биологик ва психологик имкониятлардан (қулай ва маҳсус шарт-шароитларни яратиш орқали) туларок фойдаланиш эвазига моддий негизнинг икқилануви (табиий ва "сунъий"), кашфиётлар, ихтиролар туғилишининг бош омили эканлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Синалувчиларнинг интеллектуал тараққиётига таъсир қилувчи ижобий ва салбий омиллар туркуми:

- билим масканларида замонавий техник воситалар ва асбобларнинг мавжудлиги;
- турли хил тугарак, секция, билим уйлари фаолият кўрсатиши ва уларда катнашиш имкониятининг борлиги;
- оила муҳиtida яратилган моддий ва маънавий шарт-шароитлар ҳамда шахсларнинг руҳий рағбатланиши йўлга куйилганлиги;
- шахслар билан ўзаро мулоқот урнатилишининг ўзлуксизлиги ва оилада шахслараро илик психологик муҳитнинг ҳукм суриши;
- турли телевизион викториналар, баҳслар, тортишувлар, зукколик, ижодкорлик, тезкорлик бўйича мусобакалар уюштирилиши ва уларда катнашиш, иштирок этиш имконияти яратилганлиги;
- ортиқча информация, хабарлар куламини камайтириш (масалан, видеолар, автомат уйинлар);
- зарarli одатлар билан шуғулланмаслик (масалан, ичиш, чекиш, наркомания ва бошқалар);
- болалар ва ёшларни рўзғор ишлари билан банд қилиб қўйиш, оила муҳиtida меҳнатнинг шахслараро оқилона тақсимланмаслиги ва шахсни катъий юмуш билан шуғулланишга мажбур этилганлиги;
- хозирги даврда айрим касбларнинг нуфўзини камайиб кетаётганлиги ўқувчи ва талабаларнинг ўқув мотивларига кучли таъсир қилаётганлиги;
- коллеж ва олий ўқув юртларида таълим ва тарбия тизимини заифлашиб бораётганлиги;
- уғил ва қизларда ватанпарварлик ва миллий ифтихор туйғуларининг бекарорлиги ва уларни шаклланиб улгурмаганлиги;
- кишилар ўртасида борлиққа, жамиятга, шахслараро муносабатга, исрофгарчиликка, фидойилиққа нисбатан лоқайднинг мавжудлиги ва бошқалар.

Шундай қилиб, интеллект тушунчаси чет эл ва собик совет психологиясида турлича талқин қилинса-да, лекин моҳиятига кўра, умумий битта мақсадга, яъни инсон интеллектини ўрганишга қаратилгандир. Чунончи, собик совет психологиясида интеллект тушунчаси ақлий истеъдод ёки қобилият деб юритилса, чет эл психологиясида эса қобилиятни микдор жиҳатидан ўлчаш учун, шунингдек, уни тавсифлаш мақсадида интеллект тушунчаси киритилган. Чет эл (Европа ва АҚШ) психологлари тестларни шахснинг истеъдод даражаларини аниқлаш воситаси деб ҳисоблайдилар. Бироқ тест текширилаётган ходисаларнинг психологик мезони ролини бажармайди. Чунки бир муаммонинг ечимни излаш турли психологик воситалар ёрдамида амалга оширилади. Чет эл психологлари тадқиқот объектларини ўзгартириб турадилар ва қобилият, тафаккур, билим, куникма, малакаларни аралаш ҳолда ўрганадилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-49-47-сонли фармони. 2017 йил 7-феврал
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазибалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28-декабр
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Тошкент ш., 2017 йил 20-апрел, ПҚ-2909-сон.
4. Абдуллаева Б.С., Жўраева М.Р., Болташева Д. “Бошланғич синф ўқувчиларини математик тафаккурини шакллантириш методикаси” методик қўлланма – Т.: Низомий Номидаги ТДПУ Ризографи, 2013.
5. Давыдов В.В. Психологическая теория учебной деятельности и методов начального обучения, основанных на содержательном обобщении. -Томск, 1992. -112с.



**Impact Factor:
7.569**



INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

 9940 572 462  6381 907 438  ijirset@gmail.com



www.ijirset.com

Scan to save the contact details